
Маҳсулот нарҳини давлат томонидан белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқилади — президент

Президент Олий Мажлисга мурожаатномасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нарҳини давлат томонидан белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади.

Айни пайтда давом этаётган президентнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида бу борада биринчи қадам сифатида «Ўзбекэнерго» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида қарорлар қабул қилингани хусусида айтиб ўтди. Бу ҳақда ЎЗА [хабар берди](#).

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қайта ташкил этилиб, парвозларни амалга ошириш, аэропортларни бошқариш ва аэронавигация хизматлари бир-биридан ажратилди.

«Келгуси йилда бошқа стратегик тармоқларни ҳам босқичма-босқич ислоҳ қилишни давом эттирамиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нарҳини давлат томонидан белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиш керак», деди президент.

Шунингдек Шавкат Мирзиёев экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарурлиги хусусида [айтиб ўтди](#).

«Транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир. Чунки, денгизга чиқиш имкониятимиз чеклангани учун маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, „Ўзбекистан Эйрвейс“ ва „Ўзбекистон темир йўллари“ компаниялари товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратишлари зарур», деди давлат раҳбари.

«Газета.uz»

2018-12-28 13:38:36